

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

» Ҳуқуқий тадқиқотлар
» Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
» Тарих саҳифаларидаги изланишлар
» Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
» Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
» Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
» Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
» Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
» Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
» Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
» Физика-математика фанлари ютуқлари
» Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
» Кимё фанлари ютуқлари
» Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
» Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
» Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Crossref

28 FEVRAL

№25

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**
**14-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"**
**ЧАСТЬ-14**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN 25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"**
**PART-14**

**ТОШКЕНТ-2021**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

**1. Жумабоев Наби Пардабоевич, Бурибаева Дилдора Халийгитовна**
ҲАЙКАЛТАРОШЛИК САНЪАТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ............................ 7

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

## ҲАЙКАЛТАРОШЛИК САНЪАТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Жумабоев Наби Пардабоевич**
Гулистон давлат университети докторанти,
nabijumaboyev@gmail.com, +998996421785
**Бурибаева Дилдора Халийгитовна**
Гулистон давлат университети талабаси
+998911028863

**Аннотация:** ҳайкалтарошлик санъати ва унинг маъноси ҳамда турлари ҳақида маълумот келтирилган. Шу билан бир қаторда ҳайкалтарошлик санъатининг тасвирий санъат билан узвий боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ҳайкал, юмалоқ, рельеф, барельеф, дастгоҳ, маҳобат, ёдгорлик, текислик, ҳажм, пластика.

Ҳайкалтарошлик лотинча - sculptura сўзидан олинган бўлиб “кесмоқ”, “йўнмоқ” маъносини англатади. Айрим ҳолларда ҳайкалтарошлик ўрнига “пластика” сўзини айтишади ёки ёзишади. Бу сўзлар бир-бирига жуда яқин маънода бўлса-да, грекча “plastike” сўзига нисбатан “ҳайкалтарошлик” сўзи аниқ бир атама ҳисобланади. Ҳайкалтарошлик рангтасвир каби ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни турли услуб, ҳамда тасвирлаш техникаси орқали материаллар ёрдамида ифодалайди. Бу санъатда борлиқ, ёруғ-сояга эга бўлган шакллар орқали маконда тасвирланади. Тасвирий санъатни ўрганувчилар аввало қаламтасвир орқали тасвирлашниўргансалар, рангтасвирда рангни кўриш, сезиш, ифодалаш қоидаларини ўрганадилар. Ҳар иккала тасвирий турида ҳам перспектива, пропорция (нисбатлаш) каби қоидаларни ўрганиб бориши натижасида ўқувчиларда фазовий тасаввур шаклланади ҳамда ривожланади. Ҳайкалтарошлик санъатида эса детал, шакл, буюмларни ушлаб ушлаб кўриш орқали ҳисб қилиш мумкин. Шунинг учун тасвирий санъат ҳайкалтарошлик билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Уларнинг уч ўлчовли ҳажмли - фазовий ҳолати фақат шу санъат тури орқалигина акс эттира олинади.

Ҳайкалтарошликда қуйидаги асбоб-ускуналардан фойдаланилади: махсус дастгоҳ, болға, стек, болта, циркуль, искана в.б. Исканаларнинг тўғри бурчакли, учбурчакли, трапеция бурчакли, ёйсимон чуқур шакл берувчи турлари бўлади. Шунингдек, ҳайкал лойи устидаги ортиқча қисмини тортиб олиш учун қаттиқ симдан тайёрланган доира, эллипс, учбурчак, тўртбурчак, трапеция шаклидаги сидирғичлар қўлланилади. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, исканалар турли ўлчовда, тузилишда ва шаклда бўладилар. Ҳайкалтарошликда асосан тирик жонзодларни, одамлар, ҳайвонлар, одамларнинг ҳаётий ва ички кечинмаларини, гўзаллигини, тарихий шахсларни, буюк сиймоларни, фан арбобларини, бугунги куннинг ижодкорларини ва меҳнаткаш ҳалқнинг асл фарзандлари образларини турли хилдаги материалларда ифода этилади, шунинг учун ҳам бу асарлар асрлар давомида яшайди.

Ҳайкаларни икки тури мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси тўлиқ юмалоқ ҳайкаллар, иккинчиси рельефли ҳайкаллардир. Юмалоқ ҳайкалларни ҳар томондан кўриши мумкин бўлса, рельефни фақат бир томондан, яъни олдиндан кўрилади. Рельефлар текислик устига ишланиб, қисман бўртиб чиққан бўлади. Рельефни икки хили бўлади: 1) Барельефда тасвирнинг қалинлиги учдан бир қисми бўртиб чиққан бўлади. 2) Горельефда эса унинг қалинлигининг учдан икки қисми бўртиб чиққан бўлади.

Хайкалтарошликнинг дастгохли, маҳобатли, ёдгорлик (мемориал), декоратив ва маҳобатли-декоратив турлари мавжуд. Дастгоҳли ҳайкалтарошлик ибораси ҳайкалларни махсус асбоб (дастгоҳ)га ўрнатиб ишланганлигидан келиб чиққан. Бундай ҳайкаллар

мустақил амалий аҳамият касб этиб, улар жамоат бинолари ва уй-жойларнинг ички қисми, шунингдек, истироҳат боғлари, музей ва кўргазма заллари учун мўлжаллаб яратилади. Маҳобатли ҳайкалтарошлик ибораси монументал, яъни йирик, маҳобатли ҳайкал маъносини англатади. Улар майдон ва кўчаларга кенг халқ оммаси учун мўлжаллаб ўрнатилади. Бундай ҳайкаллар тарихий воқеалар ёки алоҳида машҳур шахсларни номларини абадиийлаштириш мақсадида ўрнатилади. Монументал ҳайкаллар узоқдан кўришга мўлжалланган бўлиб умумлаштирилган тарзда атроф-муҳит билан боғлиқ ҳолда ишланади. Маҳобатли-декоратив ҳайкаллар кўча ва майдонларни, бино ва истироҳат боғларини, фонтанларни безатишда ишлатилади. Улар одам, ҳайвон, балиқ, қуш тасвирида акс эттирилади. Бундай ҳайкаллар йирик ўлчовда бўлганлиги сабабли, уларни узоқдан кўришга мўлжаллаб ишланади. Уларнинг умумий ўлчови ва ҳажми унинг пропорциялари теварак-атроф, табиат ва биноларга мослаб ва боғлаб ишланади. Бундай санъат асарлари инсонга катта завқ бағишлайди. Ҳозирги кунда шу қатори санъат асарлари муаллифи бўлган ижодкорларимиздан Дамир Рузибоев, Абдумўмин Бойматов, Жолдасбек Қуттимуротов, Илхом Жабборов, Анвар Аҳмедов, Эйнулла Алиев, Улуғбек Мардиевларни мисол келтиришимиз мумин. Ҳайкалтарош Илхом Жабборов янгиланиш ва уйғониш даврида Буюк саркарда Амир Темур образини ишлади. Образ пойтахтимизнинг қоқ марказида ўрин олган бўлиб, буюк бобокалонимиз ўнг қўлини кўтариб куч адолатдадир деб шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Турли йилларда ҳайкалтарош томонидан “Фарход”, “Ибн Сино”, “Форобий”, “Навоий ва Жомий”, “Ғофур Ғулом”, “Алишер Навоий”, “Беруний”, “Бобур”, “Ҳамид Олимжон” каби буюк мутафаккир олим, давлат арбобларининг сиймолари ишланди. Бундан мақсад мутафаккирларимизнинг сиймоларини бадиийлаштирган ҳолда уларнинг номини улуғлаш ва келажак авлодлар учун намуна сифатида етказиш. Ҳайкалтарошлик санъатининг ушбу намуналари халқларимизнинг тарихини, эътиқодларини, эстетик дунёқарашларини, турмуш тарзини ўзида акс эттиргани билан қадрлидир.

Фойдаланилган адабиёлар:

1. Н.Абдуллаев Санъат тарихи. II-жилд. I-китоб. “Санъат”, Т.: 2001 й.
2. Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат асослари. Т.: 2008 й.
3. Н.Ойдинов. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лойҳалар. Т:. “Ўқитувчи” 1997 й.
4. Б.Бойметов. Ҳайкалтарошлик. Т.: 2003 й.

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(14-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000